

Сонлар билан алоқали «сир»ларни қандай тушунишимиз керак

16:21 / 27.04.2016 3324

Рашод Халифанинг «Қуръон мўъжизалари: сирли алифбонинг мавжудлигига далил» (Miracle of the Quran^ significance of the mysterious alphabets (Islamic Productions, 1973)) китобида ўзи томонидан олға сурилган фикр мени жуда ҳаяжонлантириб қўйди. Унинг фикрича, Қуръони каримнинг «қоф» билан муҳрланган, яъни, 42 ва 50-суралардаги «қ(қоф)» ҳарфларининг сони 57 тадан экан, уларнинг умумий йиғиндиси эса Қуръони карим сураларининг йиғиндисига тўғри келади, яъни 114 Шунда, муаллиф «қ(қоф)» ҳуруф ул-муқатаоти «Қуръони карим»га далолат қилади, буни 50-суранинг 1-ояти ҳам мустаҳкамлайди, дейди. Бу ва шунга ўхшаш сонлар билан алоқали «сир»ларни қандай тушунишимиз керак ҳамда уларга муносабатимиз қанақа бўлиши керак?

ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Рашод Халифа АҚШга кўчиб бориб, ўша ерда яшаб ўтган араб муҳожирларидан бўлган. У электр ҳисоблаш машинаси орқали сиз айтганга ўхшаш гапларни топиб гапирган. Аввалига кўпчилик унинг гапларига қизиқиш билан қараган. Аста-секин унинг гаплари айний бошлаган. Жазоирдаги илмий анжуманлардан бирида уламолар уни тавба қилишга чақирганлар. Аммо у ўзининг куфрга сабаб бўладиган гапларида туриб олган.

Охири Маккаи мукаррамадаги Робитатул Оламил Исламий ташкилоти ҳузуридаги Ислом Фиқҳи Академияси ўзининг ўн биринчи йиллик мажлисида, 1989 йил, 19 февралда тўртта масалада куфр кетгани учун бир овоздан Рашод Халифанинг кофир ва муртадлиги ҳақида қарор чиқарган. Шу билан бирга у билан мусулмонлар алоқа қилмасликлари лозимлигини таъкидлаган.

Сиз ҳам, бошқалар ҳам мазкур шахсга оид нарсалардан узоқ бўлинглар. Валлоҳу аълам.